

ХАЙДОВЧИНИ ТАВСИФЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР, УНИНГ РУХИЙ ХОЛАТИ ВА БИОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ.

Абдуғанийев Шоҳруҳ Охунжон ўғли

Наманган мұхандислик-қурилиш институти

Транспорт воситалари мұхандислиги кафедраси, ўқытувчisi

e-mail:shohruhabduganiyev1@gmail.com

Тел:+ 998931781780

Разоков Алишер Якубжонович

Наманган мұхандислик-қурилиш институти

Транспорт воситалари мұхандислиги кафедраси, ўқытуvchisi

Тел:+ 998972173385

Мамадалиев Улугбек Абдивалиевич

Наманган мұхандислик-қурилиш институти

Транспорт воситалари мұхандислиги кафедраси, магистрант

Тел:+998900507270

DRIVING DESCRIPTORY INDICATORS, MENTAL STATUS AND BIOLOGICAL POSSIBILITIES.

Abduganiyev Shohrukh Ohunjon oglu

Namangan Institute of Civil Engineering Lecturer, Department of Vehicle Engineering e-mail:
shohruhabduganiyev1@gmail.com Tel: + 998931781780

Razokov Alisher Yakubjonovich

Namangan Institute of Civil Engineering Lecturer, Department of Vehicle Engineering Tel: +
998972173385

Mamadaliev Ulugbek Abdivalievich

Namangan Institute of Civil Engineering Department of Vehicle Engineering, Master Tel: +998900507270

Аннотация: Ушбу мақолада ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳайдовчи фаолиятининг “Ҳайдовчи-автомобил-йўл-пиёда-муҳит” тизимдаги ўрни баён қилинган.

Калит сўзлар: ҳайдовчи, йўловчи, пиёда, толиқиши, идрок, кўриш, мувозанат, тезланиш, тебраниш, фикрлаш, тезкорлик, диққат, реакция.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда инсон йўл ҳаракатининг асосий иштирокчиси: ҳайдовчи, йўловчи, пиёда ва ҳаракатни ташкил қилувчи сифатида қатнашади. Буларнинг ичидаги ҳайдовчи алоҳида ўрин эгаллайди, шунинг учун ҳаракатни ташкил қилишда унинг психологик, физиологик ва биологик имкониятларни эътиборга олиш зарур. Ҳаракатланиш давомида ҳайдовчига ҳар хил ноҳуш омиллар таъсир этади: автомобил салонига кираётган чиқинди газлар, транспорт шовқини, вибрация, қишининг совук ва ёзнинг иссиқ хавоси, ёмғир, қор, туман, йўлнинг ёмон шароити, автомобилнинг ҳар хил камчиликлари, пиёдаларнинг тартибсиз ҳаракатланиши ва ҳоказолар.

Ҳайдовчи асосий ахборотни йўл шароитини кузатиш орқали олади ва ахборотлар унинг иккинчи даражали аҳамиятга эга. Ахборотларнинг тавсифи ва ҳажми жуда тез ўзгарувчан бўлиб, у доимо ҳайдовчидвн мунтазам равишда йўлдаги ҳаракат шароитини диққат-эътибор бериб кузатишни тақозо қиласди. Ҳадовчининг иш фаолияти жуда мураккаб бўлиб, ҳаракатланиш давомида йўл,

автомобил, пиёда ва муҳит шароитига фаол таъсир кўрсата олмайди (1-расм) ва уларнинг ўзгаришини олдиндан аниқлай олмайди, у шундай шароитда ўзининг, йўловчиларнинг, пиёдаларнинг ҳаётига хавф туғдирмасдан ҳамда автомобилни ва ундаги юкларни тўлиқ сақлаган ҳолда хавфсиз ҳаракатни таъминлаши керак.

Ҳар бир касбда инсоннинг фаолиятини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, унинг муҳим руҳий-физиологик ўзига хослигини ажратиб кўриш мумкин. Ҳайдовчи доимо ҳаракатдаги барча қатнашчиларнинг ҳаракатланиш тартиби, йўлнинг ҳолати ва ўлчамлари, атроф-муҳит ҳолати ва бошқарув воситалари мавжудлиги, автомобилнинг қисм ва асбобларининг ҳолати тўғрисидаги катта ҳажмдаги ахборотни доиммий равишида қабул қилиши ҳамда қисқа мудатда ахборот мажмуасини қайта ишлаб ва таҳлил қилиб, қарор қабул қилиш керак (1-расм). Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳайдовчилар ҳар доим ҳам тўғри қарор қабул қилиб ҳаракат қилмайдилар. Бундай ҳолат вужудга келишига кўпинча қўйидагилар сабаб бўлади:

ахборот ўз вақтида олинмаган, унинг натижасида ҳайдовчи ҳаракат шароитини тўғри баҳолай олмаган ва йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш имконияти етарли бўлмаган;

бирламчи ахборотни нотўғри тушуниш, масалан, бурилиш учун берилган сигнални ҳайдовчи тормоз сигнали деб қабул қилиш;


ҳаракатланиш шароитини нотўғри таҳлил қилиш, масалан, чорраҳага яқинлашаётган ҳайдовчи светофорнинг сариқ сигналидан кейин яшил ёнишини кутган, лекин сигнал қизил ёнган;

нотўғри қарор қабул қилиш, масалан, вужудга келаётган йўл транспорт ҳодисасининг олдини олишнинг бирдан-бир тўғри йўли йўналишни бирмунча ўзгартиришнинг ўрнига ҳайдовчи жадал тормоз қилишга қарор қилиши;

нотўғри ҳаракат қилиш, масалан, ҳайдовчи тўсатдан тормоз педали ўрнига ёнилғи берувчи педални босиши ва шу билан ҳаракат тезлигини бирданига ошириб юбориши.

Келтириб ўтилган вазиятларнинг юзага келишида ҳайдовчининг руҳий ҳолати, шунингдек, амалий тажрибаси катта аҳамиятга эга.

Инсонларнинг руҳий ўзига хослиги бир хилда эмас. Одамнинг руҳий жиҳатига кўп жиҳатдан атроф-муҳит кўрсаткичлари таъсир кўрсатади, улар асаб тизимига таъсир кўрсатиб, руҳий жараёнларнинг кесиш чукурлиги ва тезлигини ўзгартиради. Шу сабабдан ҳайдовчининг руҳий ҳолатини тўғри тушуниш учун унинг фаолиятини кузатувчи айрим руҳий жараёнларни ўрганишнинг ўзи етарли бўлмасдан, бунинг учун инсонни шахс сифатида тавсифловчи ўзига хосликни билиш зарур.



1-расм. Хайдовчи фаолиятининг “Хайдовчи-автомобил-йўл-пиёда-муҳит” тизимдаги ўрни.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азимов Қ.Х., Дарабов М., Сайфутдинова Р.А Обеспечение безопасности движения на городских улицах. -Т.: ТАДИ, 2009.-132 с.
2. Бозоров Б.И. Экологическая безопасность автотранспортных средств. -Т.: ТАДИ, 2005. – 104 с.
3. Абдуганиев, Ш. О. У., Валиев, М. М. У., Бойдавлатов, А. А., & Худойбердиев, А. О. У. (2022). СПОСОБЫ УСТРАНЕНИЯ ИЗЛИШНЕЙ ВИБРАЦИИ ПРИ РАБОТЕ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДВИГАТЕЛЕЙ В САЛЬТОВОМ ПОЛОЖЕНИИ. Universum: технические науки, (2-3 (95)), 5-7.
4. Абдуганиев, Шохрух Охунжон Угли, et al. "СПОСОБЫ УСТРАНЕНИЯ ИЗЛИШНЕЙ ВИБРАЦИИ ПРИ РАБОТЕ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДВИГАТЕЛЕЙ В САЛЬТОВОМ ПОЛОЖЕНИИ." Universum: технические науки 2-3 (95) (2022): 5-7.
5. Абдуганиев Ш. О. У. и др. СПОСОБЫ УСТРАНЕНИЯ ИЗЛИШНЕЙ ВИБРАЦИИ ПРИ РАБОТЕ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДВИГАТЕЛЕЙ В САЛЬТОВОМ ПОЛОЖЕНИИ //Universum: технические науки. – 2022. – №. 2-3 (95). – С. 5-.